
Обод МФЙда ободонлаштириш

Олтиариқ тумани Обод маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида аҳоли муаммоларини ўрганиш давомида аниқланган камчилик ва таклифлар асосида белгиланган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, туман ҳоқими, 1-сектор раҳбари Ш.Турдалиев кўмагида ички йўлларни асфальтлаштириш мақсадига 170 миллиён сўм маблағ ажратилди. Бундан ташқари МФЙ раиси Д.Ахмедовнинг ташаббускорлиги ҳамда ҳудудида истиқомат қилувчи тадбиркорлар ва ҳомийлар ёрдами билан қўшимча маблағ сарф этилиб, жаъми 1200 метрдан ортиқ масофада туман Йўл пудрат корхонаси томонидан асфальтлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Маҳалла аҳли ҳам хашар уюштириб, йўлсозларга яқиндан ёрдам беришмоқда.

2022-09-12 12:06:29